ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҚАЛАМТАСВИР

ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИ ВА УНИВЕРСИТЕТЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 1997

Мазкур ўқув қўлланма ва дастурлар педагогика университетлари ва институтлари ҳамда педагогика билим юрти бошланғич курс талабаларига мўлжаллаб тузилган бўлиб, тасвирий санъатнинг асоси ҳисобланган қаламтасвир фани бўйича назарий ва амалий билимларни беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Дастурдан жой олган машғулот мавзулари Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Ҳар бир олий ёки ўрта махсус ўқув юрти ўқув режасида кўрсатилган соатларни ҳисобга олган ҳолда дастур мавзуларига ҳамда соатларига ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Муаллиф - Б.Бойметов докторант.

Тақризчилар: Н.Толипов, С.Абдирасилов доцент вазифасини бажарувчилар

Масъул муҳаррир: Н.Абдуллаев тасвирий санъат кафедраси мудири, санъатшунослик номзоди, доцент.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги қошидаги тасвирий санъат бўйича илмий услубий кенгаш шўъбаси томонидан нашрга тавсия этилган

1996 йил, 9-июль, 4-сонли қарор

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Қаламтасвир - барча тасвирий санъат турларининг (рангтасвир, декоратив амалий санъат, графика, ҳайкалтарошлик ва ҳоказо) асоси ҳисобланади. Рассом тасвирий санъат турининг қайси бирида ижод қилишидан қатъий назар, қаламтасвирга асосланади. У ўзининг кузатишлари, асар олди композициялари устидаги изланишларини аввал қаламда, дастлабки чизгилар билан ифодалайди. Катта санъат асарларини яратишда эса, ушбу бажарилган чизгилар, рассомга ёрдамчи манбаъ бўлиб хизмат қилади.

Рассом у ёки бу картинасини яратишни қаламдан бошлайди. Шундан кейингина ушбу санъат асари ранглар мажмуаси орқали томошабинга эстетик ҳузур бахш этади. Бошқача қилиб айтганда, қаламтасвирсиз ҳеч бир рассом ўз асарини етук ҳолга келтира олмайди.

Қаламтасвир бошқа санъат турлари орасида мустақил равишда тугалланган дастгоҳли санъат асари сифатида ҳам бўлиши мумкин. Тушь, сангина, пастель, қалам билан бажарилган кўплаб картиналар жаҳоннинг турли санъат музей ва кўргазмаларидан жой олган.

Қаламтасвир машғулотлари кўриб-кузатиб тўғри тасвирлаш, борлиқни идрок этиш, қўл, онг ва сезги органларини шакллантиришда нафақат бўлажак рассомга, балки, турли касб соҳасидаги кишиларга зарурдир.

Уйғониш даврининг буюк рассоми ва олими Леонардо да Винчининг "Рангтасвир қонунлари" номли асарида жумладан шундай деган эди: "Ёшлар, ўзларини илм-фан, тасвирий санъатда синамоқчи бўлсалар, аввало расм чизишни мукаммал билмоқлари лозимдир".

Қаламтасвир машғулотлари бошқа мутахассислик фанлари қаторида бўлажак ўқитувчи-рассомларни тайёрлашда асосий мезон ҳисобланади. Қаламтасвир дарслари талабаларга I-У курсларда назарий ва амалий машғулотлар орқали олиб борилади. Шуни таъкидлаш керакки, амалий машғулотлар қаторида назарий билимлар ҳам бўлажак мутахассисларга, уларнинг кейинги педагогик ва ижодий фаолиятларида муҳимдир.

Бадиий маълумот беришда борлиқни ҳаққоний тасвирлаш тала-

баларга амалий билимларни берибгина қолмай, балки уларнинг умумий дунеқарашларини устиришда катта аҳамиятга эга. Ҳаққоний расм чизиш санъати, борлиқни ҳаққоний образларда тасвирлаш маҳоратини ривожлантиришни уз олдига мақсад қилиб қуяди.

Расм чизишни ўрганиш талабаларга атрофдаги жисмларнинг ҳажмини ҳаққоний тасвирлаш билан бирга, буюмларни тўғри тасвирлаш маҳоратини ўстиради ва асосийси уларнинг эстетик тарбиясига кучли таъсир этади.

Расм чизиш асосларини ўрганиш, нарсанинг узига қараб босқичма-босқич тарзда тасвирлаш принципида қурилгандир

Табиатга муҳаббат ўта кузатувчанлик, буюмларни тўғри тасвирлаш каби фазилатлар ҳар бир тасвирий санъат билан шуғулланадиган кишиларга хос бўлмоғи керак.

Тасвирий санъат ўқитувчисининг етук малакага эга бўлишида нафақат амалий билимларни ўзлаштирган бўлиши, балки тасвирлаш санъатининг назарий тайёргарлигининг пухталигига ҳам боғлиқ.

Бўлғуси педагог-рассомларга буюк рассом ва тасвирий санъат соҳасида кўплаб назарий, амалий билимларни мерос қилиб қолдирган кишилар ҳаёти ва ижодий фаолиятлари билан таништириш, уларнинг асарларини чуқур ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Қаламтасвир машғулотлари Бадиий-графика факультетидаги мутахассис ўқув фанларининг асосийси ҳисобланиб, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига қуйидаги асосий қонунларни ўргатишни мақсад қилиб қўяди.

1. Композиция асослари. 2. Чизиқли конструктив тузилиш. 3. Буюмларнинг нисбатлари. 4. Перспектива қонунлари. 5. Ҳаракат.
6. Бажарилаётган тасвирдаги ёруғ ва сояларнинг қонуниятлари.
7. Тасвирни методик кетма-кетликда тўғри бажариш.

Бу кўникма ва малакалар талабанинг олий ва ўрта ўқув юртида билим олиш давомида ўқув машқларини бажариш орқали ривожланади ва такомиллашиб боради. Ушбу билимлар бўлажак ўқитувчи-рассомнинг олийгоҳни тугатгандан сўнг, педагогик ижодий иш жараёнида ҳам муҳимдир.

ТАСВИРЛАШНИНГ АСОСИЙ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ

Перспектива қонуни. Тасвирланаётган буюмлар, ушбу буюмнинг қайси томонидан қатъий назар (узоқдан, яқиндан, юқоридан, пастдан, тўғридан ёки чеккадан) чизувчига ўзгариб кўринади. Масалан, кубни у ёки бу томонга буриб, унинг томонларини чизувчига ўзгариб кўринишини кузатамиз.

Буюмларни текисликда ҳаққоний тасвирлашда рассом перспектива қонунига бевосита мурожаат қилади. Бу ҳолатни шундай таърифлаш мумкин. "Табиатдаги барча буюмлар қандай шаклга эга бўлмасин, перспектив қонун ва қоидаларга бўйсунади".

Перспектив қонунларни мукаммал ўрганиб ҳар қандай буюмнинг кўринар ва кўринмас томонларини тўғри тасвирлаш мумкин.

Перспектива қонунларининг асосий хусусиятлари шундаки, буюмлар қандай катталикда бўлмасин, чизувчидан узоқлашган сари ва текисликда қандай жойлашганига қараб перспектив қисқаради.

Ўз навбатида перспектива қонуни ҳаққоний тасвирлаш "алифбо"ларидан бўлган "сурат текислиги", "буюм текислиги", "кўриш майдони", "кўриш нуқтаси", "уфқ чизиғи" каби қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Сурат текислиги деб тасвирланаётган буюмларнинг (натюрморт, манзара, портрет ва ҳакозолар) тасвирланаётган юзасига айтилади. Бундай юза вазифасида қоғоз, картон, мато ва бошқалар бўлиши мумкин.

Физиологик нуқтаи назардан қараганда, ёруғлик чизилаётган буюмга тушиб, рассомга у ёки бу буюмнинг шакли кўринади. Шундан кейингина, рассом уни идрок этиб тасвирлашга ўтади. Сурат текислиги рассом билан натура ўртасида восита бўлиб хизмат қилади.

Буюм текислиги деб тасвирланаётган буюмнинг жойлашган текислигига айтилади. Буюм текислиги вазифасида стол, пол, ер ва бошқа чизиш учун бажариладиган мослама бўлиши мумкин.

Кўриш майдони бу чизувчининг тасвирланаетган буюмни кўриш вақтида қамраб олишидир. Рассом тасвирланаётган объектдан қанча узоқлашиб борган сари унинг кўриш майдони ҳам кенгайиб боради, бу эса тасвирланаётган объектнинг ҳамма қисмларини аниқ кўриш ва тасвирлашга имкон яратади.

Лекин, объектдан жуда катта масофада туриб ҳам, ундаги ҳамма бўлакларни ва ҳажмларни тўлақонли тасвирлаш анча қийин. Аксинча, тасвирланаётган объектга яқин масофада туриб ҳам, ушбу объектдаги ҳамма қисмларни кўз билан илғаб олиш мушкул. Шунинг учун ҳар қандай тасвирни бажараётганда чамалаш орқали масофани тўғри танлай олиш, кўриш майдонини тўғри белгилаш рассомдан маҳорат талаб этади. Кўп ҳолларда рассомлар тасвирланаётган предмет катталигининг 3 хисса кўпайтирилганига тенг масофада туриб тасвирлайдилар. Масалан: инсон қоматини тўлақонли тасвирлаш учун рассом натурадан тахминан 5 - 5,5 метрлар масофада туриши керак.

Уфқ чизиғи деб, кўзимиз баландлигида ўтадиган нурга айтилади. Буни аниқлаш учун қоғозни олиб, уни горизонтал ҳолатда кўзимиз даражасигача кўтариб уфқ чизиғини аниқлашимиз мумкин. Буюмлар чизувчига 3 ҳолатда кўриниши мумкин.

I. Уфқ чизиғидан юқорида. 2. Уфқ чизиғидан пастда.

3. Кўзимиз нури баландлигида (уфқ чизиғи баландлиги даражасида). Уфқ чизиғи ҳар доим кўзимиз нури баландлигидан ўтади: агар биз юқорига чиқсак у биз билан кўтарилади, пастга тушсак уфқ чизиғи ҳам пастда кузатилади.

Фазовий перспектива деб, буюмларнинг фазо (бўшлиқ) таъсирида ўзгариб (қисқариб) кўринишига айтилади. Фазо - тиниқ муҳитдир. Лекин унинг тиниқлиги табиатнинг турли ҳодисалар таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Масалан: ҳаво намлиги, атмосфера босимининг ўзгариши, ҳаводаги чанг-тўзоннинг таъсири ва бошқалар. Шунинг учун тасвирланаётган объектнинг фазо бўшлиғида қай даражада чуқур жойлашганига қараб ранг, нисбат, тус ва ундаги алоҳида бўлакларнинг (яққол ёки хира) кўринишларига кескин таъсир этади.

Фазо перспективаси объектнинг куннинг қайси вақтида тасвирланаётганлигига (эрталаб, кундузи, кечқурун) йил фасллари (баҳор, ёз, куз, қиш) ҳамда атмосфера ўзгаришига (куёш ёки булут) қараб ҳам ўзгариши мумкин. Тасвирланаётган буюмларнинг фазо чуқурлигида қандай узоқ ёки яқинда жойлашганига қараб ҳам ўзгаради.

Фазовий перспективанинг ушбу асосий қоидалари мавжуд. Улар

қуйидагилардан иборат. I. Бажарилаётган тасвир рассомга (чизувчига) яқин бўлган буюмлар яққол, узоқдагилари эса, умумий бўлиб кўринади. Тасвирда фазони сездириш учун яқин масофада жойлашган буюмларни яққол, узоқдагиларни эса умумий тарзда тасвирлаш керак. 2. Фазо бўшлиғида (кенглигида) жойлашган буюмлар чизувчидан қанчалик узоқда жойлашган бўлса, хира тусда кўринади. Тасвирда фазовий перспективани тўғри кўрсатиш учун узоқда жойлашган буюмларни озроқ енгил, олдинги қатордаги буюмларни эса яққол тасвирлаш керак. 3. Яқин масофада жойлашган буюмлар фазода яққол ҳажмли бўлиб кўринади, узоқдагилари эса, хирароқ бўлиб кўринади. Тасвирлашда ҳам ушбу тартибга риоя қилмоқ зарур. 4. Чизувчидан узоқроқ жойлашган буюмлар, атмосфера босими таъсирида сиёҳранг, ҳаво ранг ва оч тусда кўринади. Фазовий перспективани янада кучлироқ кўрсатиш учун яқин масофадаги яққол кўриниб турган буюмларни аниқроқ чизгилар билан, узоқдагиларини эса очроқ тусда тасвирлаш мумкин. 5. Олдинги қаторда (планда) жойлашган буюмлар ҳақиқий ўз тусида (рангида), узоқдагилари бир хил бўлиб кўринади. Фазовий перспективанинг бу қонуни рассомдан олдинги масофада жойлашган буюмларни яққол, узоқдагиларини эса умумий тарзда-хирароқ қилиб тасвирлашни талаб этади.

Фазовий перспективанинг ушбу қонун-қоидаларига риоя қилиш талаба учун муҳимдир. Юқоридаги кўрсатиб ўтилган қоидалар талабанинг қандай вазифа бажаришидан қатъий назар (портрет, натюрморт, манзара ва ҳоказо) кузатилиши мумкин.

Буюмларни тасвирлашда ёруғ ва соялар катта аҳамиятга эга. Натурага қўйилган буюмларга ёруғлик қанчалик тик тушса, уларнинг тасвири шунчалик яққол кўринади. Аксинча, четдан тушаётган ёруғлик буюмга умумий тарзда тушиб бажарилаётган тасвирни хирароқ бўлишига олиб келади. Ёруғлик бир буюмдан урилиб (синиб) иккинчиси ва учинчисига тушиши мумкин. Бу ҳол тасвирланаётган буюмлардаги ёруғ ва соялар мажмуасини ташкил этади. Улар қуйидагилардан иборат:

а) ёруғлик; б) соя; в) ярим соя; г) акс ёруғлик; д) ялтироқлик.

Ёруғлик - деб предмет юзасига тик тушувчи қуёш ёки сунъий ёритгичлар таъсиридаги нурга айтилади.

Соя - буюмларнинг ёритилган қисмининг орқа томонига (тескарисига) ёруғлик нурлари тушмаган ерига айтилади. Бундай соялар-

ни яна шахсий соя деб ҳам юритилади. Тасвирлар бажарилишида тушувчи соялар ҳам кузатилади. Ушбу соялар буюмларнинг бири иккинчисини тўсиши натижасида ҳосил бўлади.

Ушбу соялар буюм текислигига (стол, пол, ер ва ҳоказо) ҳамда бажарилаётган буюмларнинг биридан иккинчисига ҳам тушиши мумкин. Буюмларга қияроқ (хирароқ) равишда тушувчи ёруғлик нури уларда ярим сояларни ташкил этади. Ярим соялар асосан ёруғлик ва шахсий соялар оралиғидаги қисмларда жойлашади. Шунинг учун буюмлардаги ҳар қандай соялар ҳам бир хил туқ тусда бўлмайди.

Фақатгина ёруғ, соя ва ярим соялар воситасида буюмларнинг ҳажмларини тўғри бажариш мумкин. Буюмларга урилиш натижасида тушувчи ёруғликлар акс ёруғликни рефлекс ҳосил қилади. Акс ёруғликлар предметларнинг бир-биридан қандай масофада жойлашган ерига қараб кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Лекин ҳеч қачон акс ёруғлик буюмларга тик тушувчи ёруғлик нурига нисбатан кучли бўлмайди.

Буюмга ёруғликнинг тик тушиши натижасида эса ялтироқлик ҳосил бўлади. Ялтироқлик шиша, чинни, темир, сопол ва бошқа ёруғликни қайтариш хусусияти кучли бўлган кўпгина буюмларда кузатилади.

Ўқув қаламтасвирида ёруғ ва соялар қаламда енгил чизиқлар (штрих) билан амалга оширилади. Ёруғ ва ярим сояларда чизиқ кучлари тасвирланаётган буюмнинг характерига ва ёруғлик тушиш йўналиши бўйича дона-дона, аниқ бўлиши керак. Бундай усулда бажарилган туслаш буюмларнинг конструктив тузилишини янада яққол кўрсатиб беради. Буюмнинг соя қисмларида чизиқлар қуюқроқ, бир-бирига яқин (бирлашиб кетган) бўлиши лозим. Қиррали буюмларда штрихлар ёруғ ва соя учрашган (яқинлашган) қисмида тўқроқ бўлади.

Натурага қўйилган олдинги (пландаги) буюмлар яққол чизиқлар билан бажарилса, 2- ва 3- қатордаги буюмлар чизувчидан узоқроқда жойлашганлиги ҳисобига умумий тарзда бажарилади. Бу ўз навбатида тасвирланаётган натурани ҳаққоний (фазовий перспектива қонунига асосан) бажарилишида муҳимдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш кераки, оддий қалам билан буюмни ҳажми асосида туслаш, тасвирланаётган буюмларни ҳажмдор бажарилишининг омилидир. Пала-партиш, дуч келган томонга чизиқлар тор-

тиш қуйилган мақсадга эришишга тўсқинлик қилади.

Буюмларнинг ҳажмларини бажаришда, чизиқларни тортиш кетма-кетлигига риоя қилиш керак. Қаламни қоғоз сиртида бир хил куч билан босиш ва чизиқлар орасидаги масофаларнинг тенг бўлишига эътибор берио тасвирлаш, чизилаётган буюмни тўғри бажарилишида катта аҳамиятга эга. Айлана (сферик) ҳажмга эга бўлган буюмларни бажаришда, юқорида таъкидлаб ўтилган чизиқ тортиш эллипс шаклида бажарилиб, буюмнинг экваторига яқинлашганда тўқроқ кучда бўлади.

ҚАЛАМТАСВИРДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР

Қаламтасвир бажариш учун турли материаллардан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир бажарилаётган вазифа учун ушбу материалларни тўғри танлай билиш, тасвирни муваффақиятли бўлишида катта аҳамиятга эга.

Қаламтасвирда ишлатиладиган материалларни шартли 2 гуруҳга бўлишимиз мумкин: I. Қуруқ ҳолда ишлатиладиган материаллар.
2. Суюқ ҳолда ишлатиладиган материаллар.

Биринчи гуруҳни қуйидаги материаллар ташкил қилади: ҳар хил катталикдаги графит қаламлар, рангли графитлар, бўр (синф тахтасида ишлаш учун), сангина, қуруқ соус, пастель, зичлантирилган ҳамда табиий кўмир таёқчалари. Санаб ўтилган ҳамма тасвирлаш воситалари цилиндрик таёқчалар ёки махсус мосламаларда бўлиши мумкин.

Иккинчи гуруҳга тушь, сиёҳ, акварель бўёқлари, гуашь, соус (сувда аралаштирилгани). Суюқ ҳолдаги ушбу материаллар қоғоз сиртида турли хил мўйқаламлар, перолар, ҳар хил таёқча мосламалар билан ишланиши мумкин. Тасвирлашда оддий ёзув воситалари ва фломастерлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кўрсатиб ўтилган ҳамма тасвирлаш воситалари у ёки бу вазифани чизиқлар, туслар орқали бажарилади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳар бир санаб ўтилган материал бажарилаётган тасвир характерига қараб танлаб олиниши керак (қалам, картон, турли тусдаги қоғоз ва ҳоказо).

Масалан, туш-перода бажариладиган тасвир учун унча катта бўлмаган юзаси текис қоғоз сиртида бажариш мақсадга мувофиқдир.

Қаламтасвирда кенг тарқалган ва ишлатишга қулай бўлган ма-

териал бу қаламдир. У талабанинг бошланғич курсда таълим олишида асосий ҳисобланиб, уни тартибга ўргатади.

Графит қаламлар турли хилларда ва куп нусхада чиқарилади. Қаламларни уларнинг бслида ёзилган қаттиқ ёки юмшоқлиги ҳақидаги белгиларидан ажратиш мумкин. Қаттиқ қаламлар "Т" дан ҳатто "6Т" гача бўлиши мумкин. Юмшоқ қаламлар "М", "2М" ва "6М" гача бўлади. Қаттиқ юмшоқ қаламлар "ТМ" белгига эга.

Ўқув қаламтасвирида "Негро" ва "Ретушь" каби таркибида кўмир бўлган қаламлардан ҳам фойдаланилади. Бу қаламлар катта юзаларни чизиқлар орқали туслашда қулайдир.

Ўқув қаламтасвирида "Негро" ва "Ретушь" каби таркибида кўмир бўлган қаламлардан ҳам фойдаланилади. Бу қаламлар катта юзаларни чизиқлар орқали туслашда қулайдир.

Қаламтасвир вазифаларини бажариш учун қоғозларни тўғри танлай билиш катта аҳамиятга эга. Вазифаларни "ватман", "ярим ватман" номли эч қоғозларда бажариш мумкин. Бу қоғозларга "ТМ" ва "М" номли қаламларда чизиш қулайдир.

Ундан ташқари юзаси ғадир-будир (чўтир) қоғозларга юмшоқ қаламлар билан ёки кўмир, сангина, пастель ва ретушларда турли тез бажариладиган чизги ва хомаки расмларни бажариш мумкин. Бундай юмшоқ чизувчи материалларни қоғоз юзасидан тукилиб кетмаслиги (суркалмаслиги) учун уларни сочга сепувчи аэрозоль локларини тасвир бажарилган юзага сепиш йўли билан узоқ муддатгача сақлаш мумкин.

М А В З У Л А Р   Р Е Ж А С И

№	Мавзулар мазмуни	соатлар наз.	соатлар амал.
	I курс I - семестр 68 соат		
I.	I-2 машғулотлар. Қаламтасвир-тасвирий санъат турларининг асоси, унинг мақсад ва вазифалари. Тасвирлашнинг асосий қонун ва қоидалари.	2	2
2.	Ҳар хил шаклли икки геометрик жисмлардан ташкил топган қўйилма (натюрморт)ни ўзига қараб чизиш (куб, шар, пирамида, цилиндр ва бошқ.).		4
	3-4 машғулотлар. 3 ёки 4 геометрик жисмлардан иборат мураккаб ҳолатда тузилган натюрмортнинг қаламтасвири (куб. призма, шар, конус, цилиндр, гипс кўза ва бошқ.).	0,5	7,5

I	2	3	4
3.	5-6 машғулот. Геометрик шаклли миллий нақш розеткасининг қаламтасвири.		8
4.	7-8-9 машғулотлар. Туси, ҳажми ва шакли турли бўлган буюмлардан ташкил этилган натюрмортни чизиш.	0,5	II,5
5.	I0-II машғулотлар. Ислими шаклли нақш розеткасининг қаламтасвири.		8
6.	Меъморлик ўлагини тасвирлаш.		8
7.	I2-I3-I4 машғулотлар. Нақш розеткаси иштирокида тузилган мавзули натюрмортнинг қаламтасвири.	0,5	II,5
8.	Интеръерда инсон қоматининг турли ҳолатлардаги қаламчизгилари.		4
	Жами:	3,5	64,5

I-КУРС. БИРИНЧИ СЕМЕСТР. 68 СОАТ.

I - Машғулот

I- вазифа. Мавзу: Қаламтасвир ва унинг мақсад-вазифалари. Тасвирлашнинг асосий қонун-қоидалари (Маъруза).

Машғулотларнинг мақсади. Ўқув қаламтасвири машғулотлари ва уларнинг талабаларни ҳаққоний тасвирлашга ўргатишдаги аҳамияти. Тасвирлашнинг асосий қоидалари. Талабаларга чизиқли ва фазовий перспектива тўғрисида тушунча бериш. Буюмларни тасвирлашда чизиқли конструктив тузилиш, нур, соя, ярим соя, тушувчи соя, шахсий соя, буюмларни ҳажми ва уларни тўғри туслаш, композиция асослари каби асосий қонун-қоидаларга ўргатиш. Тасвирлаш воситалари: қоғоз турлари, қаламлар, кумир, пастель, сангина, соус ва бошқаларни ишга тайёрлаш. 2 соат.

Амалий машғулот. Ҳар хил шаклли икки геометрик жисмлардан тузилган қўйилмани узига қараб чизиқли конструктив қаламчизгилар бажариш (турли нуқталардан, 4-6 та расм). 2 соат.

Машғулотни жиҳозлаш. Тасвирлашнинг асосий қонун-қоидалари намойиш этилган суратлар, адабиётлар, уста рассомларнинг ушбу мавзуга оид ишларидан суратлар.

Амалий вазифа. 2 - машғулот.

Ҳар хил шаклли икки геометрик жисмларнинг чизиқли конструктив расмини чизиш (куб, шар, пирамида, цилиндр). 4 соат.

Машғулотларнинг мақсади. Талабаларни турли ҳажм ва шаклга эга бўлган геометрик жисмларни перспектива қонун-қоидалари асосида чизиқли конструктив қуришга ўргатиш. Ҳажмли буюмларни чизиқлар орқали фазовий ҳолатини тўғри тасвирлаш.

Машғулотларни жиҳозлаш. Куб ва шарнинг уфқ чизиғидан пастда, кул ранг мато фонида қўйилган ва сунъий ёритилган намунаси. Тасвирлашнинг асосий қонун-қоидалари кўрсатилган плакатлар. Ушбу мавзу асосида бажарилган намунавий вазифалар.

Машғулотларнинг бориши. Амалий машғулотни бошлашдан аввал, ўқитувчи тасвирлаш учун қўйилган буюмларни қоғоз юзасида композицион тўғри жойлаштириш, энг юқори, пастки ва чекка нуқталари орқали ушбу буюмларни тўғри тасвирлашни тушунтириб беради. Талабаларда тасаввур ҳосил бўлиши учун у қўйилмани намунавий плакатлар билан таққослайди ва синф доскасида амалий чизиб кўрсатади (умумий ҳолда). Қўйилмадаги икки буюмни бир-бирига ҳажм, шакл, тус жиҳатдан яна бир таҳлил этиб, уларда мавжуд соя, нур, ярим соя, тушувчи соя, шахсий сояларни аниқлаш ва геометрик шаклларни тўғри тасвирлашга ўргатиш.

Уйга вазифалар. Куб, шар шаклига яқин бўлган буюмларни чизиқли конструктив тасвирлаш ва уларни фазовий ҳолатларини таҳлил этиш. (4-6 та расм.)

3 - Машғулот.

3- вазифа. 8 соат. 3-4 геометрик жисмдан иборат, мураккаб ҳолатда тузилган натюрмортнинг қаламтасвири (куб, шар, призма, конус, цилиндр, параллелипипед ва бошк.).

Машғулотларнинг мақсади. Тузилиш хусусиятлари турлича бўлган геометрик шаклларни тасвирлаш орқали талабаларда чизиқли конструктив қуриш борасидаги амалий ва назарий билимларни мустаҳкамлаш.

Машғулотларни жиҳозлаш. Уфқ чизиғидан бир оз пастроқда, кул ранг мато фонида жойлашган призма, конус ва шар намунаси, сунъий ёритилган. Аввал талабаларнинг шу мавзуга яқин бўлган намунавий вазифалари. Тасвирлашнинг асосий қонун қоидалари асосида

бажарилган методик кўрсатма-плакатлар. Ушбу буюмларнинг симдан бажарилган намуналари.

Машғулотларнинг бориши. Бу вазифа муваффақиятли бажарилиши учун, ўқитувчи натурага қўйиладиган буюмларни тўғри танлаши ва турли вазиятлардан талабаларга қулай кўринишни таъминлаши муҳим. Амалий машғулотга ўтишдан аввал, ўқитувчи ушбу натюрмортни методик босқичларда тўғри тасвирлаш усулларини сўзлаб, амалий мисолларда кўрсатиб бериши лозим. Шундан сўнг, у ҳар бир талабанинг бажараётган вазифасини кузатиб, унинг ютуқ ва камчиликларини талаба билан таҳлил қилиши, ҳамда амалий кўрсатмалар бериши керак. Бундай тадбир вазифанинг бошланишидан то уни якунланишигача давом этиши зарур. Агарда, тасвирлашда йўл қўйилган хато ва нуқсонлар аксарият талабаларда бир-бирига ўхшаш бўлса, у ҳолда ўқитувчи бу камчиликларни умумий тарзда синф доскасида кўрсатиб тушунтириб бериши шарт. 4 соат.

4 - Машғулот.

3- вазифанинг давоми. Аввалги машғулотда чизиқли конструктив қурилган қўйилмани натура билан яна бир бор кўздан кечириш ва хато камчиликларини бартараф этиш. Буюмлардаги соя, ярим соя, нурларнинг аниқ ўрнини белгилаш ва туслаш. Тасвирлаш учун қўйилган буюмларнинг фазовий ҳолатини сездириш, қўйилмадаги буюмларни фонга нисбатан тўғри туслаш, вазифага якун ясаш. 4 соат.

Уйга вазифалар. Ушбу вазифада тасвирланган буюмларга ўхшаш шаклларни бажариш (2 - 4 та расм).

5 - Машғулот.

4- вазифа. 8 соат. Гирих миллий нақш розеткасининг қаламтасвири (нилуфар, панжара нақши).

Машғулотларнинг мақсади. Талабаларнинг гипсли геометрик шаклларни тасвирлашда олган билимларини мустаҳкамлаш. Миллий халқ амалий санъати намуналари билан таништириш ва турли симметрик ва ассиметрик буюмларни тасвирлаш маҳоратини такомиллаштириш.

Машғулотларни жиҳозлаш. Миллий услубда бажарилган панжара нақш розеткаси. Сунъий ёритилган. Унинг методик босқичларда бажарилган намуналари. Фазовий ва чизиқли перспектива қонунлари кўрсатилган плакатлар. Фаол талабаларнинг ушбу вазифани ме-

тодик босқичларда намунавий бажарган расмлари.

Машғулотларнинг бориши. Амалий топшириққа ўтишдан аввал, ўқитувчи мазкур вазифага қўйиладиган талаблар тўғрисида батафсил кўрсатмалар беради. Чунончи, панжара нақшининг амалий қўлланиш жойлари, унинг миллий меъморликдаги аҳамияти ва уни қаламтасвир воситалари билан тўғри бажариш методларини сўзлаб беради. Ушбу вазифани методик тўғри бажариш учун ўқитувчи нақш асоси бўлган ганч тахтасининг турли ҳолатлардан перспектив қисқариши, ҳамда унинг юзасидаги панжара элементларининг перспектива қонунига асосан тўғри тасвирланишини турли плакат намуналарг воситасида тушунтириб бериши мақсадга мувофиқдир. Иш давомида ўқитувчи талабалар билан алоҳида-алоҳида иш олиб бориб, барча талабаларга аниқ курсатмалар беради. Намуна чизиқли конструктив қурилади.

6 - Машғулот

4- вазифанинг давоми. Гирих нақш розеткасида мавжуд бўлган геометрик (тўғри тўртбурчак, параллелепипед, призма ва бошқ.) шаклларни тўғри туслашга ўргатиш. Буюмларнинг перспектив қисқаришларини тўғри тасвирлашга ўргатиш. Талабаларни нақш сиртидаги унсурларни перспектива қонунига биноан ўзгаришларини аниқлаб, уларни тўғри чизишга йўналтириш. Вазифани якунлаш. 4 соат.

Уйга вазифалар. Аудиторияда олган билим ва малакаларни мустаҳкамлаш учун, талабалар халқ амалий санъатида кенг тарқалган ёғоч ва ганч ўймакорлиги намуналарини ўзига қараб тасвирлайдилар. Бу эса уларда панжара нақшининг меъморчиликда ишлатилиши, унинг тузилиш хусусиятларини янада кўпроқ англашда ва халқ амалий санъати билан яқиндан танишиш, ҳамда тасвирлаш маҳоратларини шакллантиришда кенг йўл очади.

7 - 8 - 9 Машғулотлар

5- вазифа. 12 соат. Туси, ҳажми ва шакли турли бўлган буюмлардан тузилган натюрмортни чизиш.

Машғулотларнинг мақсади. Турли шаклли ва ҳажмли буюмларни чизиш орқали талабаларда шакл, ҳажм ва уларни қаламлар воситасида материаллик хусусиятларини амалий тўғри тасвирлашга ургатиш.

Машғулотларни жиҳозлаш. Ўзбек миллий халқ амалий санъати

намуналаридан мис қумғон, сопол коса ва олма муляжи (оидирға мато фонида. Сунъий ёритилган). Турли шакллардан тузилган натюрмортнинг методик босқичларда қалам билан бажарилган расмлари. Шу мавзуга оид адабиётлар. Уста мусаввирларнинг натюрморт жанридаги ижодий ишларидан намуналар.

Машғулотларнинг бориши. Дастлаб ўқитувчи тасвирлаш учун қўйилган буюмларни талабаларга тушунтириб, натюрморт чизишда композиция маркази, уфқ чизиғи, айлана шаклларнинг перспектив қисқаришлари, чизиқли конструктив қурилиш, буюмларнинг материаллик хусусиятлари ва уларни қаламда тўғри туслаш каби қонунлар борасида кўрсатмалар беради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги қонунларга амал қилиш тасвир бажаришнинг ҳамма босқичларида олиб борилишини тақозо этади. Улар қуйидагилардан иборат:

а) Натурага қўйилган буюмларнинг дастлабки таҳлили;
б) Уларни қоғоз юзасида композицион жиҳатдан тўғри жойлаштириш;
в) Буюмларнинг характерли хусусиятлари ҳамда, бир-бирига нисбатларини аниқлаш.
г) Уфқ чизиғига асосан буюмларни перспектива қонуни бўйича конструктив равишда тасвирлаш;
д) Ёруғ, соя, ярим соя, шахсий соя, тушувчи соялар ҳамда акс ёруғликлар орқали буюмлар ҳажми ва уларнинг фазовий ҳолатларини тўғри бажариш;
е) Буюмларнинг алоҳида характерли хусусиятларига ишлов бериш, ҳамда вазифани якунлаш.

Талаба юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар бир босқични тўғри бажаришини ўқитувчи назорат этиб бориши ва керакли кўрсатмалар бериши лозим.

Уйга вазифалар. Уйда талабалар кундалик ҳаётда ишлатиладиган буюм ва нарсалар гуруҳини ёки алоҳида-алоҳида чизадилар. Нарсани ўзига қараб тасвирлашга оид адабиётлар билан танишадилар.

I0 - II Машғулотлар.

7- вазифа. 8 соат. Ислими шаклли миллий нақш розеткасининг қаламтасвири (бодом ислими, юлдузча гул).

Машғулотларнинг мақсади. Талаба ёшларга гипсли нақш намунасини ўзига қараб тасвирлаш орқали қаламтасвирдаги мавжуд асосий

қонунларга ўргатиш ҳамда ўзбек миллий халқ амалий санъатига қизиқиш уйғотиш.

Машғулотларни жиҳозлаш. Уфқ чизиғидан пастда, сунъий ёритилган, бир оз қияликда жойлаштирилган юлдузча гул нақш розеткаси. Шу мавзу асосида бажарилган тасвирлар. Наққошлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги санъатида қўлланиладиган асосий унсурлар намунаси. Тасвирлашнинг асосий қонун-қоидалари акс эттирилган плакатлар.

Машғулотларнинг бориши. Дастлаб ўқитувчи, талабаларга натурани атрофлича таҳлил этиш кераклигини ва қулай нуқта танлаб олиб, шу жойдан нақш розеткасининг ҳолатини, унинг кузатилиш нуқтасидан қандай перспектив қисқариши, ҳамда сунъий ёритилганда ундаги ёруғ соя қонунлари тўғрисида маълумотлар бериши керак. Талабалардан ушбу нақшни бажаришда ёрдамчи чизиқлардан етарли фойдаланиш ва унинг симметрияси борасида аниқ тасаввур ҳосил этишни таъкидлаши лозим. Ушбу вазифани бажаришда талабалар маълум қийинчиликларга дуч келсалар, ўқитувчи муаммоли томонларини синф доскасида амалий кўрсатиши тавсия этилади.

Уйга вазифалар. Ўтилган мавзуни янада мустаҳкамлаш учун, талабалар халқ амалий санъати намуналарини, хусусан ганч ўймакорлигига оид нақш бўлакларини қаламчизгиларда бажарадилар.

12 - 13 Машғулотлар.

8- вазифа. Меъморлик бўлагининг қаламтасвири. 8 соат.

Машғулотларнинг мақсади. Талаба ёшларга гипсдан ясалган ушбу бўлакни чиздириш орқали уларни меъморчиликдаги анъанавий намуналар билан яқиндан таништириш. Тасвирлашда ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ҳамда бўлажак дала амалиётида тарихий ва маданий ёдгорликларни ўзига қараб тасвирлашга пухта тайёрлаш.

Машғулотларни жиҳозлаш. Уфқ чизиғидан бир оз юқорида ўрнатилган ва сунъий ёритгич билан ёритилган меъморлик бўлаги. Қадимий ва замонавий меъморликда қўлланиладиган турли бўлакларнинг намунавий қаламтасвирлари. Уфқ чизиғи ҳамда перспектива қонунларини ифодаловчи плакат-намуналар.

Машғулотларнинг бориши. Мазкур вазифа ҳам олдинги бажарилган машқлар каби методик босқичларда тўғри бажарилиши лозим. Бунинг учун ўқитувчи талабаларга вазифани бажариш жараёнини тўлиқ

назарий ҳамда амалий тушунтириб бериш керак. Қўйилма учун танланган меъморлик бўлагининг анъанавий қўлланиш жойлари. Олдинги машғулотларда бажарилган амалий вазифалардан фарқли ўлароқ, ушбу намунанинг уфқ чизиғидан юқорида қўйилиш сабаби ва уни тўғри тасвирлаш методларини етарли таҳлил этиб, дала амалиёти, хусусан замонавий ҳамда қадимий ёдгорликларни ўзига қараб тасвирлашда мазкур намуналарнинг аксарияти биноларнинг юқори қисмида жойлашганлигини кўрсатиб бериш керак. Тасвирлашда мавжуд асосий қонун-қоидалар: уфқ чизиғи, фазовий ва чизиқли перспектива интерьер ва экстрьерда ушбу бўлакларнинг ёруғ ва соялари каби малакалар мустаҳкамлантирилади.

Уйга вазифа. Мавзуни мустаҳкамлаш учун талабалар шаҳар меъморчилигида қўлланиладиган безак намуналарини ўзига қараб қаламчизгилар бажарадилар. 4-6 та расм.

14 - I5 - I6 Машғулотлар.

9- вазифа. Нақш розеткаси иштирокида тузилган мавзули натюрмортнинг қаламтасвири (нақш розеткаси, миллий мусиқа асбоби, сопол идиш, сидирға мато заминида). I2 соат.

Машғулотларнинг мақсади. Ёшларга турли ҳажм, шакл, тусга эга бўлган буюмлар тўпламини чиздириш орқали уларнинг тасвирлаш қобилиятларини ривожлантириш. Композиция тузишда умумийдан-бўлакларга тарзда тасвирлашга ўргатиш.

Машғулотларни жиҳозлаш. Уфқ чизигидан бир оз пастда жойлаштирилган ва сунъий ёритилган нақш розеткаси, миллий мусиқа асбоби, сопол идиш, сидирға мато заминида. Ушбу мавзуга оид амалий ишлар намунаси. Тасвирлаш қонун-қоидалари акс эттирилган суратлар

Машғулотларнинг бориши. I- босқичда талабалар қўйилмани қоғоз сиртида соддадан-мураккабга усулда чекка, баланд ва қуйи нуқталари орқали компоновка қиладилар. Сўнгра ҳар бир буюмнинг аниқ ўрни белгиланиб, чизиқли конструктив қуриш, бирининг иккинчисига нисбатлари топилади. Натюрмортга қўйилган барча буюмларнинг аниқ ўрни топилиб, ҳажми, шакли тўла-тўкис тасвирлангандан сунг вазифанинг кейинги босқичига ўтилади. 2- босқичда буюмларнинг ёруғ, соя, ярим соя ва рефлекс қисмлари белгиланади. Сўнгра уларни туслашга ўтилади. Бунинг учун қўйилмадаги энг

тўқ тусли буюм ва унинг соя қисмлари енгил чизиқлар (штрих) орқали бажарилади. Шундан кейин натюрмортдаги тус жиҳатдан очроқ бўлган буюмлар ҳам навбатма-навбат тусланади. Бунда, буюмларнинг бирининг иккинчисини тўсиши натижасида тушувчи соялари бурттириб кўрсатилади ва бир-бирига таққосланиб амалга оширилади. 3- босқичда натюрмортдаги барча буюмларга тус жиҳатдан ишлов бериш давом эттирилади. Шуни таъкидлаш лозимки буюмларни туслашда уларнинг ҳажмлари ҳаққоний бўлиши учун соя, ярим соя ва нур қисмларининг бири-иккинчисига ўтиш чегаралари енгил бажарилиши шарт. Фақат шундагина ҳар бир буюмнинг фазовий ҳолати ва ҳажми тўлақонли амалга ошиши мумкин. Вазифанинг 4- босқичида барча буюмларнинг шакли, ҳажми ва характерли қисмлари аниқ тасвирланади ва ёруғлик манбаининг тик тушиши натижасида ҳосил бўлувчи ялтироқликлар (блик) буюмларнинг ёруғликни ўзидан қайтариш кучига ва характерига қараб аниқланади ва тасвирланади. Бундай ялтироқликлар сопол, мусиқа асбобида аниқол кўринганi туфайли ёрқин бўлиб кўринади. Гипс розеткасида эса тарқоқ, ёруғ қисмлари тусининг кучига яқин бўлади.

17- Машғулот.

10- вазифа. 4 соат. Интеръерда инсон қоматининг турли ҳолатлардаги қаламчизгилари.

Машғулотнинг мақсади. Турли тасвирлаш воситалари орқали талабаларга қаламчизгилар бажаришни ўргатиш. (Юмшоқ қалам, ретушь, пастель, соус, сангина, тусланган қоғозлар ва бошқ.) Турли юмшоқ тасвирлаш воситалари билан инсон қоматининг ҳар хил ҳолатлардаги характерли хусусиятларини тез муддатда бажаришга ўргатиш.

Машғулотни жиҳозлаш. Уста тасвирий санъат усталарининг қаламчизгилари тасвирланган суратлари. Фаол талабаларнинг ишларидан намуналар. Қаламчизгилар ишлаш техникаси намойиш этилган суратлар. Қаламтасвир технологиясига оид адабиётлар.

Машғулотнинг бориши. Мазкур машғулот учун бир эркак ва бир аёл киефачи таклиф этилади. Қаламчизгилар 25х30 см ўлчамли тусланган ва оқ қоғозларда бажарилади. Тасвирлаш воситалари (кўмир, юмшоқ қаламлар, соус, сангина ва бошқ.) талабанинг хоҳишига кўра танлаб олинади. Киёфачиларнинг (ўтирган, турган, алоҳида

ва бирга) ҳолатлари 10-15 мин. вақт давомида тез чизгиларда бажарилади. Бу вазифада чизиқлар тортиш (асосан соя, ёруғ, контур чизиқлар) йўлларини ўқитувчи тушунтириб синф тахтасида амалий мисолларда кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Машғулот давомида 10-12 дона қаламчизги бажариш талаб этилади.

Ўқув ярим йиллигига якун ясаш. Вазифаларнинг имтиҳонолди кўриги[1].

II - СЕМЕСТР. 76 СОАТ.

№	Мавзулар мазмуни	Соатлар наз.	Соатлар амал.
1.	1- Машғулот. Бадиий таълимда қаламчизгиларнинг аҳамияти. Ҳайвон ва қушларнинг анатомик тузилиш хусусиятлари ҳамда уларни қаламчизгилар воситасида тасвирлаш усуллари.	2	
2.	Одам бош суягининг тузилиши ҳақида дастлабки маълумотлар. Бош суягини методик босқичларда тўғри тасвирлаш (маъруза).	2	
3.	2-3 Машғулотлар. Гипсдан ишланган кесик шаклли бош намунасининг қаламтасвири (2 та кўриниш).		8
4.	4-5-6-7 Машғулотлар. Микеланжелонинг "Давид" ҳайкали бош намунаси бўлакларининг қаламтасвири. (Лаб, кўз, бурун, қулоқ.)	2	14
5.	8- Машғулот. Кул ранг матонинг пластик ҳолдаги қаламтасвири.		4
6.	9-10-11 Машғулотлар. Давид юз ниқобининг қаламтасвири.	1	11
7.	12-13-14 Машғулотлар. Анатомик бош намунасининг қаламтасвири - экорше (Гудон модели).	1	11
8.	15-16-17 машғулотлар. Антик даврга мансуб гипсдан ишланган бош намунасининг қаламтасвири.		12
9.	18- Машғулот. Қуш ва ҳайвонларнинг тез қаламчизгилари.		4
10.	19- Машғулот. Қиёфачининг турли ҳолатлардаги қаламчизгилари.		
	Жами: 76	8	68

2- ярим йилда бажарилган вазифаларни кўрикка тайёрлаш ва баҳолашга тақдим этиш.

---

[1] Ушбу тадбир ўқув ярим йиллиги тугаши билан ўтказилади ва талабаларнинг якунланмай қолган ишларини тугатиб имтихонга кириш учун имконият яратилади. Турли сабабларга кўра бажарилмай қолган вазифалар учун муддат белгиланади.

II - СЕМЕСТР

I - Машғулот

Бадиий таълимда қаламчизгиларнинг аҳамияти. Ҳайвон ва қушларнинг анатомик тузилиш хусусиятлари ҳамда уларни қаламчизгилар воситасида тасвирлаш усуллари. 2 соат. Одам бош суягининг тузилиши ҳақида дастлабки маълумотлар. Бош суягининг методик босқичларда тўғри тасвирлаш. 2 соат (маъруза).

Машғулотнинг мақсади. Ўқувчи ёшларга тез қаламчизгилар чиздиришни ўргатиш орқали табиатдаги барча шакл ва буюмларни ҳаққоний тасвирлашга ўргатиш. Қаламчизгилар бажаришда турли юмшоқ тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш малакаларини ошириш.

Машғулотнинг бориши. Дастлабки ушоу машғулотда ўқитувчи талабаларга қаламтасвир бажаришда тез қаламчизгиларнинг аҳамияти тўғрисида тўла маълумот беради. Чунончи, қаламчизги бажаришда ишлатиладиган турли тасвирлаш воситалари: юмшоқ қаламлар, пастель, соус (қуруқ ва хўл ҳолда ишлатиш усуллари), сангина, тушьперо, кумир, турли тусдаги қоғозлар ва бошқ. Қаламчизгилар бажаришда ҳам академик расм ишлашдаги каби тасвирлашнинг асосий қонунларига тўла риоя қилишни талаб этади. Фазовий ва чизиқли перспектива, композиция, чизиқли конструктив қуриш, тасвирланувчи буюмларнинг нисбатлари шулар жумласидандир. Шундан сўнг ўқитувчи талабаларга ҳайвонот дунёсини қаламчизгилар воситасида тасвирлаш йўллари тўғрисида маълумот беради.

Ҳайвонот дунёсини қаламчизгиларда бажариш талабаларда тасвирлаш малакаларини ривожлантиришдан ташқари ҳайвон ва қушларнинг анатомик тузилиш хусусиятларини ўрганишларида аҳамияти катта. Чунки, улар доимо турли вазият ва ҳаракатда бўладилар. Ҳаракатдаги ҳайвон ва қушларни тасвирлаш эса, чизувчидан катта маҳорат талаб этади. Ушбу машғулотда ҳайвон ва қушларнинг қотирмаларидан фойдаланиш ва 10-15 дақиқалик машқлар бажариш мавзуни мустаҳкам бўлишни таъминлайди.

Мазкур машғулот, одам бош суягининг тузилиши тўғрисидаги суҳбат билан давом эттирилади. Инсон тана аъзолари ичида унинг портрети-хусусан бош суяги энг мураккаби бўлиб чизувчидан катта маҳорат талаб этади. Бош суяги-юқори (бош мия жойлашган қисм) ва олд, орқа қисм, паст қисмлардан иборат. Ушбу икки қисмдан

иборат бош суяк бўлаклари бир-бири билан жипс равишда боғлиқ бўлиб, унинг чуқурликларида бурун, кўз, лаб мускуллари жойлашади. Машғулот ўтишда ўқитувчи калла суягининг тузилишига оид мавжуд турли адабиет ва плакат-суратлардан фойдаланиши тавсия этилади. Машғулот янада сермаҳсул бўлиши учун бош суягини турли ҳолатлардан I0-I5 дақиқалик қаламчизгилар бажариш мақсадга мувофиқ.

Машғулотни жиҳозлаш. Машғулот асосан маъруза қисмдан иборат бўлганлигини назарда тутиб, унда кўплаб плакат ва методик босқичларда бажарилган кўргазмали суратлар асосида ўтиш талаб этилади.

2 - 3 Машғулотлар

Гипсдан ишланган кесик шаклли бош намунасининг қаламтасвири (2 та кўриниш).

Машғулотларнинг мақсади. Инсон портретини тасвирлаш учун талабаларни тайёрлаш. I- машғулотда ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш.

Машғулотларнинг борищи. Дастлабки 4 соатлик биринчи машғулотда кесик ҳолда соддалаштириб ишланган бош намунасини I- кўриниши бажарилади. Ушбу кесик ҳолда соддалаштириб гипсдан ишланган кесик бош намунаси таниқли немис рассоми ва тасвирий санъат бўйича машҳур назариётчи Альбрехт Дюрер чизмалари асосида ишланган бўлиб, уни тасвирлаш орқали ўқувчилар инсон портретини чизишда дастлабки сабоқлар оладилар. Маълумки, табиатдаги барча буюм ва шу жумладан инсон аъзолари ҳам тасвирланганда перспектив қонун-қоидаларга бўйсунади. Инсон портретини чизишда ҳам маълум қонун ва қоидаларга риоя қилиш талаб этилади. Инсон портретининг кесик ҳолдаги намунасини чизиш ҳам киефачининг ўзига қараб тасвирлашдан олдин бажариладиган дастлабки босқич бўлиб, у талабаларга гипсдан ишланган классик портретнамуналарини ҳамда тирик бошни тасвирлашда аҳамияти катта. Кейинги 4 соатлик машғулотда кесик ҳолда ишланган бош намунасини II- кўриниши бошқа нуқтадан бажарилади.

Машғулотларни жиҳозлаш. Мавзу талабаларга тушунарли ва қизиқарли ўтиши мақсадида бош суяги намунаси иштирокида олиб борилиши керак. Шунингдек, унда кўплаб тасвирий санъатга оид ва тасвирлаш борасида қонун-қоидаларга оид адабиётлар қўлланиши мак-

садга мувофиқ.

Уйга вазифа. Инсон портретининг қаламчизгилари (8-I0 дона).

4-5-6-7 Машғулотлар

Микеланжелонинг "Давид" ҳайкали бош намуна бўлакларининг қаламтасвири. 4 та вазифа (кўз, лаб, бурун, қулоқ).

Машғулотларнинг мақсади. Инсон юз қисми бўлакларини тўғри тасвирлашга ўрганиш.

Машғулотларни жиҳозлаш. Мазкур тўртгала машғулотларнинг ҳар бирида биттадан намуна бажарилади. Бош модели қисмларини чизиш давомида унинг портрет билан умумий боғлиқлиги ҳолда олиб борилиши керак. Масалан, гипс кўз бўлагини тасвирлаш давомида уни тўғридан тўғри уни ўзига қараб чизиб олишдан ташқари анатомик тузилишига эътибор бериш зарур. Кўз соққаси жойлашган чуқурликлар ва уларнинг бурун, пешона дўнглиги, ёноқ суяги ва мушаклари билан боғлиқлиги чуқур ўрганилиши шарт. Ҳар бир намуна 4 соатлик I сеанслик машғулотлар давомида олиб борилади. Лекин уни тасвирлаш давомида кўплаб турли нуқталардан қаламчизгилар бажариш лозим. Чунки ушбу амаллар ҳар бир намунани кенгроқ анатомик ўрганиш ва тўғри тасвирлашга ёрдам беради.

Машғулотларни жиҳозлаш. Машғулотларни тўғри ташкил этиш учун Давид ҳайкали бош бўлакларининг намуналари, уларни методик босқичларда чизилган намуналари, тасвирлаш қонун-қоидаларига оид турли плакат ва суратлар зарур.

Уйга вазифа. Юз бўлакларини ўзига қараб тасвирлаш.

8 - Машғулот

Кул ранг матонинг пластик ҳолдаги қаламтасвири. 4 соат.

Машғулотнинг мақсади. Талабаларга турли тус ва хусусиятларга эга буюмларни тасвирлашга ўргатиш.

Машғулотнинг бориши. Ушбу мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, турли тусдаги матолар тасвирий санъатда хусусан натюрморт ишлашда кўплаб учрайди. Матодан қўйилмаларда замин сифатида, қўшимча бўлак сифатида фойдаланилади. Мазкур машғулотда тус жиҳатдан унча тўқ бўлмаган мато танланиб, уни деворга пластик ҳолда чиройли қилиб осиб қўйилади.

Машғулотни жиҳозлаш. Тасвирий фаолиятга оид турли плакат ва суратлар, мато иштирокидаги турли суратлар.

9-10-11 Машғулотлар

Давид юз ниқобининг қаламтасвири.

Машғулотнинг мақсади. Кўз, лаб, бурун, қулоқ бўлакларини узига қараб тасвирлашда олган билим ва малакаларни мустаҳкамлаш.

Машғулотларнинг бориши. Машғулотлар ҳар бир давомли машқлар сингари босқичларда олиб борилиш керак. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Юз ниқобининг дастлабки таҳлили ва уни қоғоз сиртида композицион тўғри жойлаштириш. 2. Перспектив қонунларга асосан тасвирлаш: ёрдамчи чизиқлар асосида кўз, лаб, бурун, пешона дўнглиги, ёноқ, даҳан қисмларни ўрнини белгилаш. 3. Юздаги ҳар бир бўлакнинг характерли хусусиятларини аниқлаш. 4. Ёруғ, соя, ярим соя, тушувчи ва шахсий соялар ўрнини белгилаш ва ҳажмдор қилиб туслашга киришиш. 5. Қўйилмани бутун бир яхлитликда кўриш ва вазифага якун ясаш.

Машғулотларни жиҳозлаш. Уфқ чизиғидан юқорида кул ранг мато заминида бир оз қияликдаги "Давид" юз ниқоби, ушбу мавзуга оид ёрдамчи плакат ва суратлар.

12-13-14 Машғулотлар

Анатомик бош намунасининг қаламтасвири - экорше (Гудон модели).

Машғулотларнинг мақсади. Инсон портретини тасвирлашга ўргатиш.

Машғулотларнинг бориши. Ҳар бир рассом хусусан, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси учун инсон бош қисмида жойлашган мушаклар ва уларнинг пластик анатомиясини пухта билиши зарур. Ушбу мушаклар мимик ва чайнаш мушаклари деб аталади. Мимик мушаклар кўз чуқурликлари атрофида, оғиз ва бурун қисмлари ёнида жойлашган. Ушбу мушаклар кўзни очиб юмишда лабни ҳаракатланишида ёрдам беради. Чайнаш мушаклари бошнинг икки чекка қисмидан бошланиб, икки ёноқ бўйлаб ўтади ва пастки жағ оилан боғланади.

Вазифа учта машғулотда олиб борилишини назарда тутиб, уни методик босқичларда тасвирлаш тавсия этилади.

Машғулотларни жиҳозлаш. Гудон моделининг бош қисми сувчий ёритилган, мавзуга оид плакат ва адабиётлар.

Уйга вазифа. Кўзгуга қараб турли ҳолатларда юз мушакларини ўрганиш ва чизгилар бажариш.

15-16-17 Машғулотлар

Антик даврга мансуб гипсдан ишланган бош намунасининг қаламтасвири.

Машғулотларнинг мақсади. Одам бошини тўғри тасвирлашга ўргатиш.

Машғулотларнинг бориши. Бу машғулот узоқ муддат давомида олиб борилишини назарда тутиб, уни босқичларда бажариш мақсадга мувофиқ. Босқичлар ўқитувчи томонидан батафсил тушунтирилиб, талабаларга керакли кўрсатмалар берилади (композиция, чизиқли конструктив қуриш, перспектив қисқаришлар, ёруғ-соя муносабатлари, қўйилманинг характерли хусусиятлари ва бошқ.).

Машғулотларни жиҳозлаш. Кулранг мато заминида уфқ чизиғидан бир оз юқорида жойлаштирилган антик бош намунаси. Ушбу мавзу асосида бажарилган намунали суратл.р, мавзу асосида бажарилган намунали суратлар, адабиётлар, одам анатомиясига оид плакатлар.

Уйга вазифа. Автопортрет ишлаш.

18-19 Машғулотлар

Қуш ва ҳайвонларнинг тез қаламчизгилари. Қиёфачининг турли ҳолатлардаги қаламчизгилари.

Машғулотларнинг мақсади. Семестр давомида олган билим-малакаларни мустаҳкамлаш. Турли тасвирлаш воситаларидан фойдаланиб тез чизгилар бажаришга ўргатиш.

Машғулотларнинг бориши. Мазкур мавзунинг ўтказилиш вақти иссиқ даврга тўғри келишини назарда тутиб, уни ҳайвонот боғида, турли дам олиш оромгоҳларида, сув бўйларида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

А Д А Б И Е Т Л А Р

1. Азимова Б. Натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
2. Барщ Л.О. Наброски и зарисовки. -М., 1970.
3. Бойметов Б. Бадиий графика куллиёти I- курс сиртқи бўлим талабалари учун қаламтасвирдан методик тавсиялар - Тошкент: 1992.
4. Бойметов Б. Қаламтасвир ўқитишнинг илмий асослари. Методик тавсиялар. -Тошкент: 1995.

5. Бойметов Б., Тожипов Н. Мактабда тасвирий санъат тўгараги. – Тошкент: Фан, 1995.

6. Костерин Н.П. Учебное рисование. -М., 1983.

7. Кузин В.С. Вопросы изобразительного творчества.-М.,1971.

8. Кузин В.С. Наброски и зарисовки. -М.,1970.

9. Лаптев А.М. Рисунок пером. -М., 1962.

10. Набиев М., Азимова Б. Расм чизишни ўргатиш методикаси. – Тошкент, Ўқитувчи, 1976.

11. Ростовцев Н.Н. Учебный рисунок. -М., 1976.

12. Ростовцев Н.Н. Академический рисунок. -М., 1984

13. Терентьев А.Е. Изображение животных и птиц, средствами рисунка и живописи. -М., 1980.

14. Тен Н. Гипс моделларнинг расми. -Тошкент:Ўқитувчи, 1994.

15. Тожиев Б. Қаламтасвир асосларини ўрганиш.-Тошкент: 1994.

16. Федоров М.В. Рисунок и перспектива. -М., 1960.

17. Хасанов Р. Мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йуллари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1986.

18. Хасанов Р. Методические основы художественного образования и воспитания в узбекской школе. -Ташкент: Фан, 1990.

Нашрга рухсат этилди 6-июль 1996 йил
Хажми 1,5 б/т
Нусхаси 300 дона
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика институти офсет лабораториясида
чоп этилди
Заказ 83